*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2014 йил **15 ноябрь** ШАНБА **№ 92** (12728)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган




## НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНМОҚДА

Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун барча сиёсий партиялардан ҳужжатларни қабул қилиб олди.

– Бунинг учун сиёсий партия тегишли органининг депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қарори, номзод тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар ҳамда сайлов округининг номи, тартиб рақами кўрсатилган баённомаси, депутатликка номзоднинг ўз номзоди тегишли сайлов округидан овозга қўйилишга рози эканлиги тўғрисидаги аризалари олинди, – дейди вилоят сайлов комиссияси аъзоси Убайдулла Парпиев. – Энди комиссиямиз ҳужжатларни етти кунлик муддат ичида текшириб чиқиб, уларнинг қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради. Агар номувофиқликлар ва қонун талабларидан четга чиқиш ҳоллари аниқланса, бу тўғрисида тегишли сиёсий партияларнинг раҳбарларига белгиланган тартибда маълум қилинади.

Қонунчилигимизга кўра, содир этган оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар, сайлов кунига қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшамаган шахслар, Қуролли Кучларнинг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари, диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайдилар. Судьялар, прокуратура ва ҳокимият ижроия органларининг мансабдор шахслари (вилоят, туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари бундан мустасно) депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўшаш тўғрисида ариза берганлари тақдирдагина Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинадилар.

Вилоят сайлов комиссияси депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қабул қилишни рўйхатга олиш муддати тугашига етти кун қолганида тўхтатди. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш эса сайловга ўттиз беш кун қолганида тўхтатилади.

Комиссия депутатликка номзодлар рўйхатга олинганидан кейин беш кун ичида депутатликка номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили, партияга мансублиги, эгаллаб турган лавозими, иш ва тураржойи, шунингдек уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партияни кўрсатган ҳолда матбуотда эълон қилади.

**Хуршида ТУРСУНБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Анжуман

## ЭКОҲАРАКАТ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА ДЕЛЕГАТЛАР САЙЛАНДИ



**Вилоят "Маънавият ва маърифат" марказида Ўзбекистон Экологик ҳаракати вилоят ҳудудий бўлими конференцияси бўлиб ўтди.**

Экоҳаракат фаоллари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш йўналишидаги нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирок этган тадбирда республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш бўйича Экоҳаракат конференциясига делегатлар сайлаш масаласи муҳокама этилди.

Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлар гуруҳи ташаббуси билан ўтган даврда бешта янги қонун қабул қилинди. "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонунда экологик назоратни ташкил этиш ва амалга оширишни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилди.

Айни пайтда, Экоҳаракат депутатлари гуруҳи "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида", "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида", "Чиқиндилар тўғрисида"-ги ва бошқа жами 9 та қонун лойиҳалари ҳамда экология соҳасидаги иккита халқаро Конвенцияга Ўзбекистоннинг қўшилишига оид таклифлар ишлаб чиқмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон экологик ҳаракати республика конференциясига муқобиллик асосида яширин овоз бериш йўли билан 25 делегат сайланди.

*(Давоми 2-бетда).*

18 ноябрь – Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун

## ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ

*Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари – байроғи, герби ва мадҳиясига эга.*

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 5-модда.**

Ҳар қандай замонавий давлатнинг уч давлат рамзи бўлади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5-моддасида қатъий қилиб белгилаб қўйилганидек, булар Давлат байроғи, Давлат герби ва Давлат мадҳиясидир.

1990 йилнинг 20 июнида қабул қилинган тарихий ҳужжат – Мустақиллик Декларациясининг 8-моддасидаёқ Ўзбекистон ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилаши, давлат белгилари (герб, байроқ, мадҳия)ни ўзи таъсис этиши қонунлаштириб қўйилган.

Мустақилликни қўлга киритиб, байроғи, герби ва мадҳиясига эга бўлган халқ, аввало, ўз тақдирини ўзи ҳал қилганини исботлаган бўлади. Давлат рамзларида халқимизнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги, шунингдек, тийнати (менталитети), орзу-ўйи, эзгу маслак-мақсади мужассам.

*(Давоми 2-бетда).*

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

## ЁТ ҒОЯЛАРГА ҚАРШИ

**Тошкент Давлат аграр университетида ўтказилган тадбирда талабалар суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар, қонунчиликка киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳамда ёшларнинг бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолиши оқибатлари ҳақида кўпгина маълумотларга эга бўлишди. Тадбир университетнинг маънавият ва маърифат, иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими ҳамда Юнусобод тумани ИИБ ходимлари ҳамкорлигида уюштирилди.**



Диний экстремизм, терроризм каби глобал муаммолар ва уларнинг аянчли оқибатлари олдини олиш, гиёҳвандлик ва одам савдосига қарши курашиш, соғлом турмуш тарзига оид маърузаларни иштирокчилар қизиқиб тингладилар.

– Ёш авлоднинг ҳуқуқий билим ва маданиятини юксалтириш соғлом турмуш асосидир, – дейди университетнинг маънавият, маърифат ва иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими ходими Сардор Абдумажидов. – Фуқаролик бурчи ва вазифаларини чуқур англаган ёшларнинг иродаси мустаҳкам бўлади.

Учрашувда таъкидландики, ёшларнинг ахлоқий бузуқликни тарғиб этувчи сайтларга киришининг олдини олиш мақсадида интернет-клублардаги компьютерларга махсус тақиқловчи дастурлар ўрнатилмоқда. Барча хабарлар автомат тарзда фильтрланади ёки бола ўзи қизиқиб, ножўя ахборотни олмоқчи бўлганида, автоматик тақиқ ишга тушади.

**Хуршида МЎМИНОВА.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

Эътироф

**Яқинда Швейцариянинг "Diva International" журналининг веб-порталида ҳамда мазкур журнал таркибидаги "International Diplomat" электрон нашрида "Ўзбекистон парламентнинг кенгайтирилган ваколатлари шароитида сайловлар ўтказади" сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Женевадаги қароргоҳида мамлакатимизнинг доимий ваколатхонаси томонидан ўтказилган брифингнинг якунлари қаламга олинган.**

## «INTERNATIONAL DIPLOMAT» ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАЖАК ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ ҲАҚИДА

Маълумот тариқасида қайд этиш жоизки, 2002 йилдан бери чоп этиладиган "Diva International" журналининг бош таҳририяти Женевада жойлашган. Унинг саҳифаларида Женевада аккредитациядан ўтган дипломатия корпусининг фаолиятига бағишланган мақолалар мунтазам эълон қилинади. Шунингдек, нашр халқаро аҳамиятга молик мавзуларни, иқтисодиёт, маданият, таълим ва гуманитар сингари соҳаларни ҳам атрофлича ёритади.

Дипломатлар, халқаро ташкилотлар ходимлари, тадбиркор ва жамоат арбоблари дунё бўйлаб тарқатиладиган ушбу журналнинг асосий ўқувчилари ҳисобланади. У инглиз, француз ва испан тилларида чоп этилади.

Мамлакатимиз мавзуига мурожаат қилар экан, нашр Марказий Осиё минтақасидаги ёш ва изчил ривожланиб бораётган Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг сиёсий ислоҳотлар йўлини танлагани ҳамда парламент демократияси томон оғишмай илдам қадамлар ташлаётганини қайд этади.

*(Давоми 2-бетда).*

Иқтисодиёт

## «АНГРЕН» ИНДУСТРИАЛ ЗОНАСИ ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

**Оҳангарон воҳаси истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида ҳудудни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида янги имкониятлар заминига айланди.**




Бу ерда иқтисодиётнинг барча тармоқлари, хусусан, тўқимачилик, қурилиш, энергетика, машинасозлик, озиқ-овқат ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Тоғ-кон саноати ривожида ҳам улкан ютуқларга эришилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 13 апрелда қабул қилинган "Ангрен" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги фармони бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ўтган даврда "Ангрен" махсус индустриал зонасида Жанубий Корея, Сингапур, Австрия, Британия, Болгария, Ҳиндистон каби давлатларнинг етакчи фирма ва компаниялари билан ҳамкорликда турли ўлчамдаги мис қувурлар, техник кремний, тежамкор лампалар, кўмир брикетлари ва замонавий

*(Давоми 3-бетда).*

Пири бадавлатларимиз

## ҚАНОАТ ҚАТИДА УНГАН БАХТ

**Ангрен тоғлари бағрида сўлим қишлоқ бор. Сой бўйлаб чўзилгани боис уни Сойоғзи деб аташган бўлса ажабмас. Шу гўшада яшайдиган Раимкул ота билан суҳбатимиз унинг болаликда бол тотмаган кунлари, аммо Аллоҳ берган сабру қаноат, ирода ва машаққатли меҳнат эвазига топган ҳаловати хусусида кечди.**

– Инсонга олий неъмат берилган, болам, – дея сўз бошлади отахон. – Бу неъматнинг номи қаноат. У бўлмаган жойда на барака, на хайр бор. Истиқлол берган неъмат дея кўп гапиришади. Менга истиқлол нима берди? Аввало, юрагимдаги шукроналик ҳиссини кучайтирди. Негаки, ҳаётимиз осуда, дастурхонимиз тўкин, юртимизда маъмурчилик ҳукмрон.

Бизнинг болалигимиз эса бутунлай бошқача эди. Очликни енгиш учун ўт ва гиёҳларнинг илдизларини ҳам еганмиз, болам. Энг ёмони, бир бурда нонга зор эдик.

*(Давоми 2-бетда).*

Тадбиркорлик

## ЯНГИ САВДО МАЖМУАСИ

**"Излаган имкон топади" деганларидек, бўкалик Валишер Ҳотамов орзуини рўёбга чиқариш учун кўп изланди, билмаганини сўради, дўстлар билан маслаҳат қилди. Унинг саъй-ҳаракатлари самара бериб, туманнинг "Маданият" маҳалласида янги савдо мажмуаси қад ростлади.**

– Тадбиркор бўлиш астойдил интилган одам учун қийин эмас экан, – дейди Валишер Ҳотамов. – Юртимизда соҳа ривожи учун қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратилаётгани қўл келди. Бу мажмуа аҳолига хизмат қилиб, маҳалладошлар ишини енгиллаштирса, беҳад мамнун бўлардим.

Икки қаватли савдо мажмуасида озиқ-овқат дўконлари ва 50 ўринга мўлжалланган ошхона бор.

– Умумий овқатланиш бўлимимизда миллий ва Европа таомларини тайёрлаяпмиз, – дейди ошпаз Акром Маҳкамов. – Таомлар хўрандаларга манзур бўлаётгани ошхонамиз доимо гавжум эканидан ҳам маълум.

*(Давоми 2-бетда).*



Кўргазма

## ЙЎЛЛАР РАВОН, ҲАМКОРЛИК БАРДАВОМ

**"Ўзэкспомарказ" мажмуида 11-халқаро "Транспорт ва Логистика – TransUzbekistan – 2014" кўргазмаси ўз ишини якунлади.**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Халқаро автомобилда юк ташувчилар уюшмаси, Халқаро экспедиторлар уюшмаси ва "ITE Uzbekistan" халқаро

*(Давоми 3-бетда).*

# ЭКОҲАРАКАТ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА ДЕЛЕГАТЛАР САЙЛАНДИ

***Сўз конференция иштирокчиларига***



**Тоҳир АЗИМОВ, Ўзбекистон экологик ҳаракати вилоят бўлинмаси мувофиқлаштирувчиси:**

– Жаҳон парламентаризми тарихида илк бор парламентда Ўзбекистон экологик ҳаракати учун депутатлар ўринларини квоталаш институти жорий этилгани парламентнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик муаммоларни бартараф этиш масалаларини ҳал қилишдаги ролини оширишга хизмат қилмоқда. Экоҳаракат конференциясида қатнашувчи 25 вакилимиз орасида минтақада экологик барқарорликни таъминлашга ҳисса қўшаётган фидойилар, атроф-муҳит муҳофазаси ва инсонлар саломатлигини ҳимоялашни мақсад қилган эколог олимлар, шифокорлар, тизимдаги нодавлат нотижорат ташкилотлар мутахассислари борлиги хайрли мақсад ва алоҳида дастурларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.



**Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА, вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти проректори:**

– Аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, ҳар бир фуқарода атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, ноёб ва бетакрор табиатимизни келгуси авлод учун асраб-авайлаш ҳиссини шакллантириш олдимизда турган асосий омиллардан биридир. Жумладан, одамларда экологик фикрни шакллантириш, экологик таълим-тарбиянинг самарали тизимини ишлаб чиқишга йўналтирилган ҳамда "Ҳамма нарса инсон учун ва унинг келажаги учун" эзгу тамойилини амалга ошириш нафақат экоҳаракат вакиллари, балки биз педагогларнинг ҳам устувор вазифаларимиздан. Шу жумладан, бугунги конференцияда экотизимни янада асраб-авайлаш ҳамда уни барқарорлаштиришга хизмат қилувчи номзодларни танладик, деб ўйлайман.



**Феруза СОДИҚОВА, Оққўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси бўлими мудири:**

– Мамлакатимиз ўзига хос тараққиёт йўлидан оғишмай боришида, албатта, табиий ресурсларга таянилади. Шу боис, бебаҳо бойликларимиздан оқилона фойдаланиш, келгуси авлод учун табиий муҳитни асраб-авайлаш борасида кўп ишлар қилинмоқда. Бу эса аҳолини маънан бой бўлиши ва соғлом турмуш тарзини таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир.

Экоҳаракат "Соғлом муҳит – инсон саломатлиги" ғоясининг амалдаги ижросини таъминлаши фуқаролар соғлиғини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

## 18 ноябрь – Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун

# ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ

Давлат байроғи – ҳар қандай давлатнинг ўтмиши, давлатчилик анъаналари, сиёсий тузуми, иқтисодий салоҳиятини ифода этадиган рамзлардан бири, мустақил давлат ва унда яшовчи фуқаролар дахлсизлигининг аниқ ифодаси ҳисобланади. Давлат байроғи – айни шу давлатдаги миллий, ҳарбий ва партиявий бирлик ҳамда уюшмаларнинг ҳам рамзий белгиси янглиғ аҳамиятга эга.

Ўзбек давлатчилиги тарихининг қайси даврини олиб қарамайлик, Давлат байроғи Ватан тимсоли сифатида ҳамиша азиз ва муқаддас саналган. Ҳамма замонларда ҳам туғимиз шунчаки давлат сиёсатини амалга ошириш воситасигина бўлиб қолмай, аксинча, жуда катта ижтимоий-маънавий аҳамият ҳам касб этган. Ота-боболаримиз Давлат байроғини жуда эъзозлашган. Шундай одамлар бўлганки, дунёдаги энг буюк бойлиги – ширингдан-ширин жонини байроқ учун тиккан. Ахир, ҳар қандай миллий байроқ шу халқу мамлакат учун Ватан тушунчаси билан баб-баравар туради. Жангу жадалларда байроқнинг қулаши ёки душман қўлига ўтиши мағлубият билан баравар турган. Бунга тарихимизда кўпдан-кўп мисоллар бор.

1221 йилнинг кузида мўғул босқинчилари Хоразм пойтахти Гурганжга ёпирилиб кирганида Шайх Нажмиддин Кубро, кекса ёшига қарамай, шаҳар мудофааси раҳнамоларидан бирига айланди. Тенгсиз курашда ўз кўксини душман найзасига қалқон қилиб, юрт озодлиги йўлида ҳалок бўлди. Айтишларича, Шайх ўлими олдидан мўғул яловбардори қўлидан душман байроғини тортиб олиб, ерга қулайди. Бу бобокалонимизда ёвга нисбатан нафрат шу қадар кучли эдики, мўғуллар кейинчалик Шайхнинг жонсиз қўлидан байроғини тортиб ололмаган ва унинг панжаларини кесиб, ўз туғини ажратиб олган.

Соҳибқирон Амир Темур даврида ҳам давлат байроғи катта ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий аҳамият касб этган. Шу сабабли жангу жадалларда давлат байроғини Амир Темурнинг энг ишонган баҳодир сипоҳийлари қўриқлаган. Темур тузукларида таъкидланишича, душман устидан шижоат ва мардлик кўрсатиб ғалаба қозонган амир ва сипоҳийлар давлат тимсоллари – туғ ва ноғора билан мукофотланган. Бу – Соҳибқирон салтанатида давлат рамзлари нечоғли баланд турганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи мамлакат Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VII сессиясида 1991 йилнинг 18 ноябри куни Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонуни (407-XII-сон) асосида тасдиқланган ва ҳозирги шакли қабул қилинган. 1992 йилдан бошлаб бу сана Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун сифатида нишонлаб келинади.

Давлат байроғидаги рамзларни яхши билиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг муқаддас бурчи ҳисобланади. Давлат байроғи ва унинг рамзи бугунги Ўзбекистон сарҳадида қадимда мавжуд бўлган давлатлар билан тарихан боғлиқлигини англатади ҳамда республиканинг миллий-маданий анъаналарини ўзида мужассамлаштиради.

Байроғимизда акс этган рамзлар қуйидаги маъно-мазмунларга эга:

– Байроқдаги мовий ранг – тириклик мазмуни акс этган мангу осмон ва оби ҳаёт рамзи. Тимсоллар тилида бу яхшиликни, донишмандликни, ҳалолликни, шон-шуҳрат ва садоқатни билдиради. Бинобарин, Амир Темур давлатининг байроғи ҳам мовий рангда эди;

– Байроқдаги оқ ранг муқаддас тинчлик рамзи бўлиб, у кун чароғонлиги ва коинот ёритқичлари билан уйғунлашиб кетади. Оқ ранг – поклик, беғуборлик, софлик, орзу ва хаёллар тозалиги, ички гўзалликка интилишнинг тимсоли;

– Яшил ранг – табиатнинг янгиланиш рамзи. У кўпгина халқларда навқиронлик, умид ва шод-хуррамлик тимсоли ҳисобланади;

– Қизил чизиқлар вужудимизда жўшиб оқаётган ҳаётий қудрат ирмоқларини англатади;

– Навқирон ярим ой тасвири – бизнинг тарихий анъаналаримиз билан боғлиқ. Айни пайтда у қўлга киритилган мустақиллигимиз рамзи ҳам;

– Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғидаги 12 юлдуз тасвири тарихий анъаналаримиз, қадимги йилномамизга бевосита алоқадор. Бизнинг 12 юлдузга бўлган эътиборимиз Ўзбекистон сарҳадидаги қадимги давлатлар илмий тафаккурида нужум илми тараққий этганлиги билан ҳам изоҳланади.

Ўзбекистонимиз Давлат байроғидаги 12 юлдуз тасвирини ўзбек халқи маданиятининг қадимийлиги, унинг комилликка, ўз тупроғида саодатга интилиши рамзи сифатида тушуниш лозим. Чунки 12 юлдуз Қуёш тақвими асосидаги 21 мартдан, яъни ҳамал ойидан бошланиб, ҳут ойи билан тугайдиган 12 буржи, яъни 12 ойни билдиради. Шу билан бирга, унда 12 мучалга ҳам рамзий ишора бор.

Бошқача айтганда, ярим ой ва юлдузлар абадийликни, йил-ўн икки ой, яъни абадулабад Ўзбекистонимиз мустақил бўлишини, унга ҳеч ким ҳеч қачон дахл қилмаслигини, шу билан бирга, ҳар йили ойлар ва фасллар алмашиниб, табиий равишда комиллик касб этгани каби мукаммалликни англатади.

12 юлдузни билиб-билмай, 12 вилоятга ишора деб тушуниш – мутлақо хато. Чунки Ўзбекистон Республикаси маъмурий-минтақавий бўлинмалари орасида, 12 вилоятдан ташқари, бир суверен республика – Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда пойтахт – Тошкент шаҳри ҳам бор.

"Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонунда Давлат байроғи доимий равишда қандай бино, мажлислар зали ва қайси лавозимдаги мансабдор шахсларнинг хизмат хоналарида, байрам кунларида қандай кўча ва майдонларда, бошқа жамоат жойлари ва объектларда, сайлов ёки референдум кунларида қандай бино ва хоналарда, шунингдек, бошқа қандай пайтларда кўтарилиши, уни кўтариш ва тушириш муддатлари муфассал белгилаб қўйилган.

Шунга қарамай, айрим ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ва муассасаларда Давлат байроғини ўрнатиш масалаларида эътиборсизликка йўл қўйилаётганига ҳам гувоҳ бўламиз. Баъзи корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари хизмат хоналарида байроқни дастасига ўраб-чирмаб, бир бурчакка суяб қўйишларини қандай тушуниш мумкин? Баъзи ташкилот, корхона ва муассасалар ҳудудларидаги деворларда Давлат байроғи тасвири чала ёки қонунда белгиланган меъёрларга тўла амал қилмаган ҳолда чизилаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

...Қуёш ҳар йили ўн икки буржни айланиб чиқади. Қуёшнинг буржлар узра сайри абадий экан, ҳамиша осмон – кўк, олам – ёруғ, Ер эса – ям-яшил бўлаверади. Она заминимизга кундузлари Қуёш, кечалари Ой ёғду сочаверади. Шунигина ҳисобга олганимизда ҳам, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи бутунича абадийлик рамзи экани ойдинлашади. Демак, Ўзбекистонимизда ҳаёт то абад бардавом бўлаверади. Ҳаётнинг ўзи каби, мустақиллигимиз ҳам абадий бўлсин!

...1998 йил 22 май куни ўзбек альпинистларидан биринчи бўлиб Рустам Ражабов Жомолунгма (Эверест) чўққисини забт этиб, у ерга Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини ўрнатди. Спортнинг бирор-бир тури бўйича халқаро учрашувларда совринли ўринларни эгаллаган спортчиларимиз боши узра ҳар гал Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи кўтарилади. Кўпинча, спортчиларимиз байроғимизни бошига кўтариб, Ватанини жаҳон аҳлига кўз-кўз қилади, ҳаяжонини яширолмай, уни юз-кўзларига суртиб, ўпиб қўяди.

Кўпинча Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини нишонлашга бағишлаб Ўзбекистон миллий боғида ўтказиладиган асосий тантанасида ижрочилар гуруҳи бутун томоша майдони узра Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини бошига кўтаради. Кейин секин-аста бу байроқ томошабинлар жойлашган ўриндиқлар томон силжий бошлайди. Ўзбекистон Республикасининг бу байроғи энига 80 метр, бўйига 40 метр. Бундай улкан байроқни халқ боши узра кўтариши амалда мустақилликнинг мустаҳкамлиги, халқнинг юксак салоҳияти, давлатнинг буюк келажагига рамзий ишора ҳисобланади. Чунки...

*Байроқ – Ватан рамзи.*
*Байроқ халқни*
*бирлаштиради.*
*Байроқ халқни*
*руҳлантиради.*

**Султонмурод ОЛИМ, вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институти профессори вазифасини бажарувчи.**

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Давра суҳбати

# САМАРАДОРЛИК ОШМОҒИ МУҲИМ

**Вилоят ҳокимлигида "Аҳолининг хавфли гуруҳлари ўртасида ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**



Вилоят адлия, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, Матбуот ва ахборот бошқармалари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди бошқаруви, Маънавият-тарғибот маркази, мусулмонлар идораси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаркати вилоят кенгаши вакиллари иштирок этган тадбирда асосий эътибор ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши изчил курашиш, айниқса, ёшлар ўртасида олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш ва юзага келаётган муаммоларни биргаликда бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга қаратилди.

Давра суҳбатида мамлакатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори, Ўзбекистон Республикасининг "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни асосида барча мутасадди ташкилотлар ўзаро мувофиқлашган ҳолда фаолият юритиши зарурлиги ҳақида сўз борди. Таъкидланганидек, инсон ҳаётига жиддий хавф солаётган бу касаллик (ОИВ)га қарши махсус ҳимоя омили – вакцина ҳали ишлаб чиқилмаган. Лекин ҳозирда қўлланилаётган антиретровирус (АРВ) дори воситалари танада вируснинг кўпайишини секинлаштиради. Касалликка чалинган одамнинг умрини қисман бўлсада, узайтириши мумкин.

Ҳар қандай касалликни даволашдан кўра, олдини олган маъқул. Буни унутмаслик, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида бу касалликнинг тарқалмаслик чора-тадбирларини кўриш зарур.

Давра суҳбатида вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Саида ИКРОМОВА.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

# ЯНГИ САВДО МАЖМУАСИ



– Туманимиз йилдан-йилга ободлашаяпти, – дейди туман архитектори Абдусалом Абдуллаев. – Аҳолига маиший хизмат кўрсатадиган мажмуаларни кўпайтиришга ҳаракат қилаяпмиз.

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Савдо мажмуасига "Зийнат" номи берилгани бежиз эмас, чунки у нафақат маҳалла, балки туман кўркига кўрк қўшди.

**Ирода МАҚСУДОВА.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

Пири бадавлатларимиз

# ҚАНОАТ ҚАТИДА УНГАН БАХТ

Шунинг учун ноннинг ушоғи увол бўлса, кўксимда оғриқ туяман. Боликада отамдан қолган боғларда мазали нокларимиз кўп бўларди. Нокка озиқ-овқатларни айирбошлардик. Кейинчалик қийналиб қолгач ота еримизни сотганмиз, ўша боғдан ҳамон нишоналар бор. Кўрсам, болалигим ёдимга тушаверади...

Ота-онамиз вафотидан кейин акаларим юрт бўйлаб бир бурда нон топиш илинжида тарқалишган. Мен ўшанда ҳали бола эдим. Ғариб кулбамизда ёлғиз қолган кечаларим ҳамон ёдимда. У пайтларда тоғ олди қишлоқларига емиш излаб бўрилар келиб турарди. Кечаси билан эски пўстинга ўралиб, қўрқувдан қалтираб чиққан кунларим кўп бўлган...

Раимқул отани ҳамқишлоқлари самимийлиги, меҳнаткашлиги ва ҳалоллиги учун қадрлашади. У ҳаётда нимагаки эришган бўлса, ҳаммаси тинимсиз меҳнати туфайли.

– Баъзан саволлар гирдобидан чиқолмай ҳалакман, – дейди ота. – Одамзотга аслида кўп нарса керак эмас, айниқса қариликда бир бурда нон, бир оғиз ширин сўз, қобил фарзандлар камоли энг катта бойликдир. Ота-она борки, ўғли ёки қизининг тиниб-тинчиб кетишини истаб яшайди. Аммо кексаларни койинтириб, ортиқча ташвишларга қўяётган фарзандлар ҳам бор, ҳатто ширин сўзини дариғ тутаётганлар ҳам топилади. Аммо ўз манфаатидан кечиб, одамлар учун жон койитадиган фидойилар ҳам кўп.

Раимқул Ангрендаги 11-мактабда ўқиди. Муаллимлар тайёрлайдиган курсни тугатиб, 3-мактабда дарс берди. Кейинчалик институтда ўқиб, олий маълумотли бўлди. Қишлоқ болаларига тарих фанидан сабоқ бериб, жамоат ишларида ҳам фаоллик қилди.

– Эллик йилда эл ўзгаради, деганлари рост экан, – дейди ота. – Мана, чор-атрофимизда бир-биридан мўъжаз уйлар, янгидан-янги қиёфаларни кўриб, умр шиддат билан ўтиб бораётганини англаб қоласан киши.

Раимқул ота Исроилов умрини мудом эзгу амалларга сарфлаб яшаб келаётган пири бадавлат ҳамюртларимиздан. Унинг чеҳрасида ўтмишнинг мунгли излари, қарашларида теран маъно яширин. Отахоннинг ҳовлисидан чиқар эканмиз, саришта уй бекаси Ҳадича аянинг кулиб турган кўзлари, набираларининг бобоси ва бувиси бирор ерга кетиб қоладигандек этакларига осилиши дилимизга илиқлик солди. Ахир, инсоннинг қариликда ҳаловат топиши, армонлари ушалиб, ойдин орзуларига етишидан ортиқ давлат борми дунёда...

**Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи.**

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

# «INTERNATIONAL DIPLOMAT» ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАЖАК ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ ҲАҚИДА

Европалик ўқувчиларни мамлакатимиз миллий қонунчилик органининг икки палатали тузилмаси ва фаолияти, депутатлар ваколати муддати билан таништирар экан, нашр 2014 йилнинг декабрида навбатдаги сайловлар бўлиб ўтишини маълум қилади. Шу ўринда, Ўзбекистондаги парламентаризмнинг хусусиятлари, жумладан, депутатлар умумий сонининг 30 фоиздан кам бўлмаган қисмини аёллар ташкил этиши, ҳозирги пайтда Сенатнинг саккиз, Қонунчилик палатасининг эса 12 миллат вакилларидан иборат таркиби ҳақидаги маълумотлар қаламга олинган.

Мақолада таъкидланганидек, бўлиб ўтажак сайловлар илгаригиларидан фарқ қилади. "Чунки улар парламент ваколатлари кенгайгани ва сайлов қонунчилиги сезиларли даражада такомиллашгани шароитида ўтади", деб ёзади нашр.

Мақолада "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга биноан, ҳокимият ва бошқарув тизимини демократлаштириш, "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" принципи босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш, парламент палаталарининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини, ички ва ташқи сиёсатнинг стратегик вазифаларини амалга оширишдаги ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришни, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ижро этувчи органлар фаолияти устидан қонун чиқарувчи олий органнинг, ҳокимият вакиллик органларининг назорат функцияларини кучайтириш, шунингдек, ҳукуматнинг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини рўёбга чиқариш борасидаги масъулиятини ошириш назарда тутилгани алоҳида таъкидланади.

Сайлов қонунчилигини такомиллаштириш масаласига тўхталар экан, "Diva International" ўқувчиларни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг ҳуқуқий асослари билан таништирган. У давлат ҳокимияти бошқа органларининг ҳеч қандай аралашувисиз сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишни таъминлайдиган мустақил демократик институт сифатида Марказий сайлов комиссиясининг мақоми конституциявий мустаҳкамлаб қўйилганлигини алоҳида қайд этади. "Мазкур комиссия Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг Сайлов ҳамда Референдум тўғрисидаги ва бошқа Қонунларига амал қилади, деб ёзади нашр. Комиссия фаолиятининг асосий тамойиллари қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, мустақиллик ва адолатлиликдан иборат эканлиги, у бутун фаолияти билан сайлов тизимининг демократик принципларини амалга оширишга кўмаклашишга, сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини эркин билдириш имкониятини таъминлашга даъват этилгандир".

Шунингдек, материалда бўлиб ўтажак тадбирнинг ташкилий масалалари, жумладан, Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастури қабул қилгани, барча сайлов комиссиялари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, сайлов округлари фаолияти билан боғлиқ муҳим маълумотлар ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган.

Нашр ўз ўқувчиларини бўлиб ўтажак сайловларда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган "Адолат" социал-демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Либерал-демократик партияси, "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва қуйи палатада 15 та ўринга эга бўлган Ўзбекистон экологик ҳаракати билан таништиради.

"Мазкур сайловлар Ўзбекистоннинг келгуси беш йиллик тараққиёт йўлини белгилаб беради, деб ёзади нашр. Шу сабабли мамлакатда уларнинг халқаро меъёрларга мувофиқ равишда юксак даражада ташкил этилишига катта аҳамият қаратилмоқда. Хорижий мамлакатларнинг, шунингдек, ЕХҲТ/БДИПЧ, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, МДҲ Ижроия қўмитаси ва Ислом ҳамкорлик ташкилоти сингари халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари сайлов жараёнларини кузатиб боришлари назарда тутилган".

**"Жаҳон" АА.**

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

2014 йил – Соғлом бола йили

# ҚЎШНИ ҚИЗ РАВОН ГАПИРА БОШЛАДИ

**Қўшнимизнинг қизи 4 ёшдан ошган бўлса ҳам сўзларни бузиб талаффуз қиларди, айрим ҳарфларни умуман айтолмасди. Тўғри гапиришни ўрганишга ҳар қанча ҳаракат қилмасин, фойдаси бўлмади. Ниҳоят, Чирчиқ шаҳридаги 8-"Умид" мактабгача таълим муассасасига беришди. Ҳозир унинг сўзлаш қобилияти яхшиланди, равон гапира бошлади.**

Ушбу мактабгача таълим муассасаси нутқдаги нуқсонларни (логопед) бартараф этишга мўлжалланган бўлиб, болаларнинг равон сўзлайдиган бўлишига хизмат қилмоқда.

Муассасада кичик, ўрта, ва мактабга тайёрлов каби 12 та гуруҳда 170 дан зиёд ўғил-қиз таълим-тарбия олмоқда.

– Болаларга ўртача баландликда овоз чиқариб, тўғри ва равон сўзлашни ўргатамиз, – дейди муассаса раҳбари Мавлуда Шомақсудова. – Бунда албатта, уларнинг қобилияти, руҳий ҳолати эътиборга олинади. Дарсларда диққат, хотира, ўзини тута билишларига ҳам алоҳида урғу берилади. Логопед педагогларимиз нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар учун махсус ўйин, турли машғулот ва қизиқарли тадбирлар ўтказадилар.

Мактабгача таълим муассасасида 22 тарбиячи, 14 энага, 12 логопед ва руҳшунос фаолият юритмоқда. Уларнинг ғамхўрликлари билан болалар ўқишни, ёзишни ўрганаяптилар. Руҳшунос эса уларнинг руҳий ҳолатини доим назорат қилиб боради. Ўғил-қизларнинг саломатлигини кўрикдан ўтказиш эса муассаса ҳамширалари зиммасида.

Тиббий кўрик хонаси сўнгги русумдаги ташхис аппаратлари билан жиҳозланган.

– Сўз бойлигини ошириш ва нутқни грамматик жиҳатдан тўғри тузишга қаратилган логопедик ишлар нутқнинг лексик ҳамда фонетик таркибини такомиллаштиришга ёрдам беради, – дейди логопед Вазира Толипова. – Биз болаларнинг сўз бойлигини оширишга, тўғри талаффуз қилишга шу билан бирга товушни таҳлил этишларига кўмаклашамиз. Бу эса уларнинг умумтаълим мактабларида она тили ва бошқа тилларни ҳам осонгина ўзлаштиришларига замин яратади.

Муассасада жисмоний тарбия, мусиқа, компьютер хоналари ишлаб турибди. Улар замон талаблари асосида зарур асбоб-ускуналар билан таъминланган. Шунингдек, турли тўгараклар ташкил қилинган, улар доим гавжум.

– Болалардаги нутқий камчиликни тўғрилаш учун жамоа биргаликда ҳаракат қилиши керак, – дейди директор. – Логопед, тарбиячи ва мусиқа мураббийлари дарсларни ҳамкорликда олиб борсалар, яхши самара беради.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**






## ЎЗИ ЁТГАН ТУРМАДА ШИФОХОНА ОЧДИ

**Уругвайнинг 79 ёшли президенти Хосе Мухика 1973-1985 йиллардаги ҳарбий диктатура даврида қўзғолончилар ҳаракатида иштирок этгани учун қамалган турмада шифохона очди.**

Давлат раҳбарининг матбуот хизмати тарқатган хабарда айтилишича, муолажа блоки ҳарбий идора тизими даврида сиёсий маҳбуслар қийноққа солинган бинода бунёд этилди. Энди бу ерда қамоқдагиларга тиббий ёрдам кўрсатилади.

Мамлакат етакчиси президентлик ваколати тугашига тўрт ой муддат қолганида кекса маҳбусларни қамоқдан озод қилишга оид таклифини парламентга киритмоқчи."Мен 75-80 ёшли кекса маҳбусларнинг турмаларда ётишларини истамайман", деди у ва бу ерда гап нафақат собиқ ҳарбийлар балки барча кекса маҳбуслар ҳақида бораётганини таъкидлади.

## ВРАЧ ЭБОЛА ВИРУСИНИ ЕНГДИ

**Октябрнинг охирларида Эбола безгагига чалингани маълум бўлган врач Крейг Спенсер Нью-Йоркдаги шифохонада даволаниб, хавфли хасталикни бутунлай енгди.**

Эбола безгаги чекингани муносабати билан уюштирилган матбуот анжуманида Спенсер ушбу хавфли вирус вақтида аниқланса, унга қарши муваффақиятли кураш олиб бориш ва бутунлай енгиш мумкинлигини таъкидлади. CNN агентлигига берган интервьюсида Спенсер айтдики, ўзи билан юз берган ҳолатдагидек вирус тез аниқланганда, ушбу ўлим хавфини солувчи безгак тарқалишининг олди олинарди. У яна таъкидладики, бу ажал чақирувчи вирусга қарши курашиш учун Африка мамлакатларига яна қайтмоқчи.

АҚШда Спенсерга қадар уч киши Эбола вирусини юқтириб олгани аниқланганди. Улардан бири – либериялик бемор Даллас шифохонасида вафот этди. Уни муолажа қилишда қатнашган икки ҳамшира эса, даволаниб, бутунлай соғайиб кетишганди. Улардан бири, ҳатто, Спенсерга донорлик қилиб, плазма берган.

## КАЛАМУШЛАР СУД ИШИНИ ТЎХТАТДИ

**Шундоқ ҳам жуда секин ишлаётган Римдаги апелляция суди каламушлар босқини сабабли бир нечта мажлисини тўхтатишга мажбур бўлди.**

Аниқланишича, кемирувчилар Клодио майдони остидаги қувурларда бутун бошли колонна ҳосил қилиб, шамоллатиш ва иситиш тизимларига зарар етказган ва ичимлик сувини яроқсиз ҳолга келтиришган. Шу боис суд кўпгина мажлисларни 30 кун орқага суриб, кемирувчиларни йўқотиш ва хоналарни таъмирлашга қарор қилган.

Ушбу қарор Италиянинг тошбақасуръат билан ишлаётган ҳуқуқ-тартибот тизими ходимлари ёрдамида адолатга эришмоқчи бўлаётган фуқаролар учун яна бир тўсиқ бўлди. Зеро, Италияда у ёки бу ишни тинглашнинг ҳамма босқичларидан ўтиш учун ўртача 2866 кун кетади. Ҳолбуки, бу муддат Европада 616 кундан ошмайди.

2011 йилда Автралиянинг йирик Qantas авиакомпаниясининг Boeing-767 самолётида ҳам каламушлар борлиги аниқланиб, парвоз тўхтатилган эди. Ҳақиқатан ҳам каламушлар кабелларни кемирадиган бўлса, парвоз жараёнида самолёт бортида нималар юз бермайди дейсиз.

## МУСТАҚИЛЛИК МАРШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ҲИБСДА

**Варшава полицияси мустақиллик маршида иштирок этган тажовузкор руҳдаги 215 кишини ҳибсга олгани ҳақида хабар тарқатди TVN 24 телеканали.**

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари маълумотларига кўра, намойишчилар билан полициячилар ўртасида юз берган жанжал оқибатида тўрт киши, жумладан икки полиция зобити жабр кўрди. Полиция бош коменданти матбуот котиби Мариуш Соколовскийнинг айтишича, бир гуруҳ безори намойишчи полициячиларга ҳужум қилди. Тажовузкор ёшлар полициячиларга қарата тош ва мушаклар улоқтиришди.

Варшавада Польша мустақиллиги куни муносабати билан ташкил қилинган юришда бир неча ўн минг киши иштирок этди.

## САКСОН МИНГ ДОЛЛАР БЕКОР КЕТДИ

**Хитойлик бир йигит ўзи севган қизига турмуш қуришни таклиф этиш мақсадида 99 та уяли телефон аппарати сотиб олиб, уларни ерга юрак шаклида ёйди.**

Мамлакатда "Бўйдоқлар куни" байрам қилинаётганида у севгилисидан "Ҳа!" жавобини олмоқчи бўлиб, қизни юрак шаклида териб чиқилган аппаратлар ўртасига олиб кирди ва гулдаста ҳадя этиб, қўлини сўради.

Аммо, инсоннинг ҳамма орзулари ушалавермайди. Ажабтовур феълли бу йигитнинг ғайриодатий уринишлари чиппакка чиқиб, қиздан: "Йўқ!" деган жавоб олди. Икки ўртада телефон аппаратларига сарфланган 80.000 доллар беҳуда кетди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Саломат бўлинг

# ОЙЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Қандли диабет бутун дунё ҳамжамиятининг XXI асрдаги жиддий тиббий-ижтимоий муаммоси бўлиб турибди. Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, қандли диабет ногиронликка сабаб бўлиши масаласида иккинчи, ўлимга олиб келиши бўйича учинчи ўринда туради.**



Диабет миқдорини камайтириш учун қатор тартиб-қоидаларга амал қилиш керак бўлади. Жумладан, қандли диабетнинг олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида аҳолига кенг ва чуқур маълумот бериб бориш лозим. Хасталикни эрта аниқлаш ва олдини олиш мақсадида 40 ёшдан ошган барча аҳолини, ортиқча вазнга эга ва наслида қандли диабетга чалинган бўлганларни, 4,5 килограммдан оғир туғилган болалар онасини, хафақон касали борларни, қонида липид (ёғ) миқдори баланд бўлганларни скрининг текширувидан ўтказиш тавсия этилади.

Қандли диабет муаммосининг жиддийлигини эътиборга олиб, БМТнинг эътирофи билан 2007 йилдан буён Халқаро диабет куни нишонланмоқда. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қарорига биноан ҳар йили ноябрда диабет ойлиги ўтказилаяпти. Ойлик давомида диабет профилактикасига оид суҳбат ва семинарлар ташкил этилмоқда. Жумладан, Чирчиқ шаҳрида, вилоят Эндокринология диспансерида, Бекобод туманидаги Кардиология марказида "Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида қандли диабетнинг олдини олиш ва эрта аниқлаш" мавзуида семинарлар ўтказилди. Оҳангарон, Зангиота, Янгийўл туманларида ноябрь ойи давомида шундай тадбирлар ўтказиш режалаштирилган.

**Фарида КОМИЛОВА,**
**вилоят саломатлик ва тиббий статистика институти бўлим мудири.**

Билса ҳазил, билмаса чин

# КЕЛИНБОЛА ДУТОР ЧАЛИШНИ БИЛАДИМИ?



Чинозликлар билан гаров бойлашиб қолдик. Битта чойхона паловдан. Эҳ, афсус, ўша гаровда енгилишимизни билмаган эканмиз. Майли, бу ҳақда кейинроқ...

Ҳар бир жамоада раҳбар, ўринбосар, бош ҳисобчи каби алоҳида мартаба эгалари бўлади. Улар билан чиқишиб, "лаббай" деб ишласангиз ўсасиз, узоққа борасиз. Лекин, жамоада яна бир тоифа бўладики, улар билан ҳам орани бузиб бўлмайди. Булар лавозими бўлмаса ҳам шу ерда "туп қўйиб, палак ёзган", кўп йиллик тажрибага эга, ўз касбининг усталаридир.

Қадрдон даргоҳ – "Тошкент ҳақиқати"га бундан роппа-роса ўн бир йил аввал, ҳали журналистика факультетида ўқиб юрган кезларимизда ишга келганмиз. Ўшанда устозларимиздан бири: "Бу даргоҳда яхши ижодкорлар кўп, лекин униб-ўсаман десанг, Даврон Аҳмад деган фотомухбирнинг этагидан маҳкам тут", деб насиҳат қилганди. Шу гапга озми-кўпми риоя қилиб, ҳарқалай, ютқазмадик. Аксинча, бу тиниб-тинчимас одамга эргашмаган, ҳаёт ҳақиқатларидан иборат содда "фалсафа"ларига, йўл-йўриқларига амал қилмаган тенгдошларимизнинг кўпчилиги ҳали ҳам журналистика факультетининг олтинчи семестрида ўқиётган талабадай, бошларини қай таҳририятга суқишни билмай юришибди...

Яшириб нима қилдик, Даврон аканинг "этагидан маҳкамроқ тутвориб" панд еган жойларимиз ҳам бўлган. Ҳали идоранинг пасту баландини унчалик ўзлаштирмаган пайтларимиз. Таҳририятга тегишли қай бир қувончли кунда, соддалик қурсин: "Бу даргоҳда биз ёшларнинг ҳақиқий йўлбошчимиз шу киши бўладилар", деб юборибмиз. Бу гап масъул котибимизга тегиб кетган эканми, тўрт қаторлик хабаримиз ҳам газета юзини кўрмай қолганди, ўшанда.

Даврон ака "Тошкент ҳақиқати"ни оғиз тўлдириб: "Бу – мани газетам" дейди. Шуни деб ёнади-куяди, елади-югуради. Ҳамма иш жойини иккинчи уйим, деса, у кишидан аксини эшитасиз. Газета ҳақида ноxолисроқ бир гап айтиб қолсангиз борми... Газетчилик экан, баъзан ёшлар тажрибасизлик қилиб, хато ўтказиб юборишса: "Эҳ, эсиз-а, кўзни каттароқ очиш керак эди, оковси, бу сизга тажриба майдони эмас" деб таъбингизни тирриқ қилади.

Эсимизда, катта бир тантанада вилоят раҳбари Даврон акага мукофот топшираётиб: "Бу одам вилоятимизнинг тирик энциклопедияси", деб юборди. Дарҳақиқат, бу гапда зиғирчалик муболаға йўқ. Вилоятда бу мухбирнинг юрмаган йўли, бош суқмаган дарчасини топиб бўпсиз! Шундай бўлгач, унинг вилоятда топган обрў-эътибори ҳали унча-мунча ҳамкасбимизга насиб қилмагандир-ов...

Халқимизда: "Еган оғиз уялар" деган гап бор. Тошкентдан мухбир келса, боз устига, бу валломат ҳар қандай раҳбарнинг юзига тик қарай оладиган, дангалчи хилидан бўлса-ку, раҳбарлар югургилаб қолишади, "ҳиммат"лари ошиб кетади. Даврон ака бундай мулозаматларга маҳлиё бўлиб, камчиликлардан кўз юмиб кетадиган анойилардан эмас. Янаям тўғрироғи, у киши: "Нонини есанг е, аммо ҳақиқатни де", дейдиганлар тоифасидан. Негаки, Даврон Аҳмадга мавзунинг, муаммонинг катта-кичиги йўқ. Қаерда бирор яхши гап бўлса ёки аксинча, қандайдир ноқисликни сезса, сурнай овозини эшитган дорбоздек товони қичийверади. "Қибрайга борсам, шундоққина катта йўл ёқасида икки туп қуриган арчани кўк рангга бўяб қўйишибди, Келесга кираверишда каттакон баннер беўхшов осилиб ётибди, Оққўрғондан қатновчи "Газел"лар ўн олти ўрнига ўн саккиз кишини миндириб кира қилаяпти экан, шарақ-шуруқ расмга олдим..."

Яна бир мисол. Машинада радиони варанглатиб эшитиб кетаяпмиз. Ёшгина бир йигит: "Ёрим, дутор чалоласизми, кўнглимизни ололасизми?" деб нола қила бошлади. Биб-бинойидек ашула. Лекин Даврон ака чидаб туролмади: "Айтаётган ашуласини қара! Худдики, хотиннинг дутор чала олиши шунчалик муҳимдек. Мана, бизникиям дутор тугул ҳуштак чалишни ҳам билмайди, нима қипти, яшаб юрибмиз. Ундан кўра: "Сигир соғоласизми, тандирда нон ёполасизми, пахта теримига чиқоласизми?" деб сўрамайсанми, каллаварам!"

Ҳамкасбларимиз яхши билишади, ҳозирги замонда бирор жойга чиқиб, газета учун яхши ахборот, долзарб янгилик топиб келишнинг ўзи бўлмайди. Йўқ, жойларда ёзса, айтса арзигулик гаплар тўлиб ётибди, биз масаланинг бошқа жиҳатини айтаётибмиз.

Таҳририят топшириғи билан бир туманга мақола тайёрлаш учун бордингиз, дейлик. Раҳбар мақсадингизни тушуниб, дарров қабул қилса, энг муҳими, очиқ чеҳра билан қарши олса бошингиз осмонга етади. Агар акси бўлса-чи? Хушламайгина узатилган чойни эндигина бир хўплаганингизда, олдига кириб-чиқиб турган ходимларини меҳмон бор демай, уришиб, силтаб ташласа ва ёки қўнғироққа жавоб бераётиб: "Ҳм, бандроқман, яна газетадан келишибди, шуларам ҳеч тинчишмади-тинчишмади-да", деб қолса-чи?

Бу гапларни, афсуски, осмондан олиб айтаётганимиз йўқ. Даврон ака каби вилоятни туманма-туман, ҳудудма-ҳудуд кезиб, ортидан хунук гап, ножоиз из қолдирмай, газета учун худди тандирдан янги узилган нондек қайноқ фоторепортажлар ундириб келадиган мухбирларга ҳеч қачон осон бўлган эмас.

Каттакон газетанинг вилоятдаги мухбири эмасмизми, вақти-вақти билан жойларга чиқиб турамиз. Қаёққа бормайлик, албатта, Даврон акани сўраб-суриштиришади. Айримлар: "Даврон кўринмай қолди, нима бўлди, биздан аразлаганми", деса, баъзилар: "Анави куни Аҳмад деган мўйловли фотомухбир келиб кетган экан, эҳ, зарил гапим бор эди, кўришолмай доғда қопмиз-да", деб афсусланадилар. Фермерлар-ку, Даврон акани ўзларига кенгаш раисидан ҳам яқин тутишади. Кечагинда янгийўллик фермер Фозил Рихсибоев: "Давронни кўрсангиз айтинг, "кампирчопон"га роса маза кирди, бир келиб, селитра солинмаганидан еб кетсин", деб қолди. Пискент бозоридаги қассобларнинг луқмаси ҳаммасидан ошиб тушди: "Даврон Аҳмаднинг қулоғига айтадиган гапимиз бор, бир келиб кетганларидан бери гўштни терминалга ҳам ўз нархида сотаяпмиз. Шундай қилмасак, фермерларимиз сўқимининг думиниям ушлатишмаяпти. Фойданинг чўғи сағал пасайди-ю, аммо камомадни калла-поча, ичак-чавоғу суяк билан бир амаллаб ёпаяпмиз..."

Баъзан олис Бўкаданми, Бекободданми таҳририятга қўнғироқлар бўлиб, Даврон акани қидириб қолишади. Баъзилар эса тўппа-тўғри бош муҳаррирга сим қоқиб: "Ака, фотомухбирингизни тополмаяпмиз-а", деб нолишади. Шундай кезларда бош муҳаррирнинг ҳам жавоби қисқа бўлади: "Даврон Аҳмадни ўзимиз ҳам қидираяпмиз, илтимос, у ёқ-бу ёқда кўриб қолсанглар, айтворинглар..."

Даврон Аҳмад бир мавзунинг кетига тушса, уни эринмай, "а"сидан "я"сигача ўрганади. Узоқ-узоқларда икки-уч кунлаб, баъзан ҳафталаб қолиб кетади. Энди жиддийроқ қидирмасак бўлмайди, деб турганингизда, қўлида бир дунё қоғоз, елкасида қадрдон фотоаппарати – эшикдан э, йўқ, бэ йўқ, дағдаға билан кириб келади...

Айтгандек, бу кишимнинг Паркент томонларга негадир меҳри бошқача. Ростми-ёлғонми, асли паркентликман, деганларини ҳам эшитганмиз. Ҳар сафар вилоятимиз табиатининг бебаҳо гавҳари бўлган бу заминга келса яйраб ижод қилади, бу ерлик содда, самимий, меҳмоннавоз, меҳр-оқибатли одамлар даврасида қушдек енгил тортади. Ота касбини тутиб, қадамбақадам келаётган ўғиллари Азаматга ҳам шу ердан келин топганлар. Шунданми, биргалашиб қачон Паркентга борсак, сафаримиз алламаҳалгача чўзилиб кетарди. Даврон ака паркентлик таниш-билишлари ёки қуда-андалари билан бир ўтириб қолса, тамом – гурунг жонивор сигир подадан қайтганда бошланиб, нонуштанинг ширчойига олов ёқиладиган паллада ҳам тугамасди.

Дарвоқе, бир гал кимдир Даврон Аҳмад ўрисчадан ташқари ҳиндчаниям қийиб ташлайди, деганида сира ажабланмагандик. Билмаган одам, у кишининг "ҳинду ўзбак – бҳай-бҳай!" деб юрадиган соф ҳиндона такаллумларини, Лата Мангешкар энанинг кўнгилни хуноб қиладиган ғамгин нолаларини ўхшатиб хиргойи қилишини, яна ҳиндийча мўйловию соч тарашини кўриб, бу одам ростданам "афсонавий диёр"данмасмикин, деб ўйлаб қолиши мумкин-да.

Бир куни Райимбойнинг ошхонасидан чиқиб, қадрдон етти қаватли бинойимизнинг рўпарасида сайр қилиб юрсак, олдимиздан уч-тўртта ажнабий қиз ўз тилида чуғур-чуғур қилиб ўтиб қолди. Кўриниб турибдики, пешонасидаги ҳоли ўзига бирам ярашган бу қорамағиз пари-пайкарлар ҳинд диёридан. Даврон ака ўзига хос бир эпчиллик билан тўрт ҳатлаб, қизлар даврасига қўшилиб олдию, ўнг тарафдагисининг қулоғига бир нималар деб шивирлай кетди. Бечора қиз уялганидан сариси билан юзини тўсиб, нуқул: "Наҳи, чача жи, наҳи!" дейди. (Чамаси: "Керакмас, тоғажон, керакмас!" демоқчи. Фото устаси эмасми, қизларга суратга тушишни таклиф қилгандир-да...) Даврон аканинг бу қилиғини бир чеккада кузатиб турган устозимиз Жўра Саъдуллаев: "Ҳаҳ, апанди-я, Мумбайдан Ачавотга кўчиб келганига қирқ йилдан ошди-ю, ҳалиям индийский қизларни қўмсайди, бу болапақир" деса, чиппа-чин ишонибман-а...

Шу сатрларни қоғозга тушириб ўтирганимизда, туйқус телефон жиринглаб қолди. Олсак... худди ўзлари! Одатдагидек, салом-алик қисқа бўлди: "Бир пайтлар бизда ишлаб кетган Улуғбек Ҳамроқулов қиз чиқараётган экан, фалон жойда ош бераяпти, тайинлаб кетди, борларинг..."

Ўшанда-ку, недир сабаб бўлиб ошга боролмадик, аммо эртасига эшитдик, эшитадиганимизни... Буни эслашдан муддао шуки, Даврон аканинг оқибати, жонсараклиги, куйдипишдилиги худди шундай паллаларда, айниқса, яққол сезилади. Кимнинг нима ташвиши бор, кимнинг оиласи нотинч, ким нимадан норози, кимнинг қозонида нима қайнаяпти, ҳаммасини аввалдан билиб, сезиб юради. Ҳар қандай вазиятда ёрдамини аямайди. Катта бир устозимиз оламдан ўтганида, ўзимизча ҳаммадан олдин етиб борсак... ўша ерда ҳам хизмат қилиб юрган Даврон акани кўриб, кеч қолганимизни тушунганмиз.

Ўзи шунақа – биз, ёшлар ҳамиша кечикиб юрамиз. Эҳтимол, шунинг учун ҳам ўша гаровда чинозликлардан енгилгандирмиз. Хуллас, улар ҳақ бўлиб чиқишди – Даврон Аҳмаднинг шу йили "олтмишвой"лар сафига қўшилгани рост экан. Барибир, одамнинг ишонгиси келмайди. Аммо, кўнмай иложимиз борми – буни ҳаёт дейдилар...

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.**

Кўргазма

# МАФТУНКОР ТОҒЛАР САДОСИ

**Республика Тасвирий санъат галереясида Ўзбекистон Бадиий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси Валерий Ениннинг "Мафтункор тоғлар садоси" мавзуидаги 90 га яқин асарлари кўргазмаси очилди.**

Расмларда тоғ ва унинг ёнбағирлари, кўчкиларнинг турли кўринишлари, дарё, шаршара, гуллаган водийлар қиёфаси, мусаффо чашмалар, қорли кенгликлар, туманли кунлар ёрқин рангларда тасвирланган.

Табиат қўйнига чиқиб, асар яратишни хуш кўрган манзарачи рассомни, айниқса, Тошкент вилоятининг гўзал табиати манзаралари беҳад мафтун этган. Унинг экспозициядан ўрин олган "Чимён арчаси", "Чорвоқда март", "Чорвоқдаги боғ", "Чорвоқда жала", "Дала. Чорвоқ", "Паркент. Баҳор", "Оқшом. Бурчмулла" каби асарлари санъат ихлосмандларини бефарқ қолдирмайди.

П. Беньков номидаги республика рассомлик билим юртида, Тошкент Давлат театр ва рассомлик институтида таҳсил олган В. Енин Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими унвонига сазовор бўлган. Кўргазманинг очилиш маросимида унга Ўзбекистон Бадиий академиясининг олтин медали тантанали суръатда топширилди.

Кўргазма намойиши 7 декабргача давом этади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

Рассом хандаси



Изоҳга ҳожат йўқ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-1381. Адади 7712. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.40.